

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

Р е Ф е Р А Т

**Мавзу: Онтогенезнинг илк босқичларида инсоннинг психик
ривожланишига хос хусусиятлар**

Бажарди: 45-15 гуруҳ талабаси Абдиев Бахром

ГУЛИСТОН 2016

Мавзу: Онтогенезнинг илк босқичларида инсоннинг психик ривожланишига хос хусусиятлар

Режаси

1. Перинатал ва чақалоқлик даврида психофизиологик ривожланишга хос хусусиятлар ҳақида умумий тушунча.
2. Туғилиш даври инқирози. «Тирилиш комплекси» ҳақида.
3. Гудаклик даврида психик ривожланишда катталар билан эмоционал мулоқотнинг аҳамияти (эмоционал депривациянинг салбий оқибатлари).
4. Бир ёш инқирози ҳақида.
5. Илк болалик даврида психик ривожланиш хусусиятлари.
6. Илк болалик даврида нутқнинг ривожланиш хусусиятлари.
7. Илк болалик даврида ўз-ўзини англашнинг ривожланиши ва 3 ёш инқирози.

1. Гўдакликдаги психологик ривожланиш асослари ва хусусиятлари

Чақалоқлик (туғилганидан бошлаб бир-икки ойликкача). Бола кўпчилик жониворларнинг боласига қараганда анча ожиз туғилади. У нисбатан чекланган хулқ-атвор, ташқи оламга мослашишнинг муқаррар-рефлектор шакллари жамғармасига эга бўлади. Туғма хулқ-атвор шаклларининг камлиги бола кучсизлигини эмас, кучини ташкил этади – у деярли чексиз ақлий ривожланиш, хулқ-атворнинг янги шаклларига эга бўлишнинг янги тажрибаларини ўзлаштириш имконига соҳиб бўлади. Чақалоқ ривожланишининг фарқли хусусиятлари шуки, унинг анализаторлари фаолияти соматик (жисмоний) ҳаракатларга қараганда тезроқ шаклланади. Шу асосда муносабат рефлекс ривожланади ва хилма-хил шартли рефлектор алоқалари шакллана бошлайди. Чақалоқлик даври охири ва гўдакликнинг бошланишида «тетикланиш комплекси» - катталарнинг пайдо бўлишига муносабат билдириш пайдо бўлади.

Гўдакликда (бир-икки ойликдан бир ёшгача) гўдак тўлалигича катталарга боғлиқ бўлади (уни овқатлантиришади, Ювинтиришади, йўргаклашади, ағдариб қўйишади, қўлга олишади, сайр қилдири-шади, аллалашади, гапиришга, Юришга ўргатишади ва ҳ.к.). 2-аётининг биринчи йили сўнгига келиб гўдак айрим сўзларни тушунади ва илк сўзларни айта бошлайди. Тасодифан одамлар даврасидан чиқиб қолган инсон боласи ўз ривожланишида инсоний имкониятлар даражасигача кўтарила олмайди. Фақат ижтимоий муҳит ва таълим натижасидагина болада инсонларча ҳис

қилиш ва фикрлашга қодир шахсият шаклланади. Гўдаклик сўнгида болалар катталарга тақлид қила бошлайдилар. Мақсадли ҳаракат ва тақлид интенсив ривожланаётган интеллектдан (ақлий фаолиятдан) далолат беради. Бола ҳаракат жараёнида, ўзининг ва бошқаларнинг ҳаракатларига тақлид қилиб, фикрлашга ўрганади.

2. Илк болалик ёши тавсифи

Илк болалик ёши (бир ёшдан уч ёшгача). Кўпчилик психологлар туғилгандан вояга этгунга қадар инсоннинг психологик ривожланиш йўлининг ўртаси 3 ёш деб ҳисоблашади. Уч ёшли бола ўз-ўзига хизмат қила олади, атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабатга киришишни билади. Бунда у оғзаки мулоқот қилишни билади, унда хулқ-атворнинг энг оддий шакллари шаклланади. Бола уч ёшда этарлича фаол ва атрофдагиларга тушунарлидир. Унинг характери ва темпераменти хусусиятлари аллақачон намоён бўла бошлайди. Л.Н.Толстой шундай дейди:

*Беш ёшдан то менгача – бир қадам,
Туғилишдан беш ёшгача – абадиятдир.
²омиладан туғилишгача – гирдобдир,
Йўқликдан ҳомилагача – мавҳумликдир.*

Боланинг психик ривожланишига тўғри Юришга ўрганиш сезиларли таъсир кўрсатади. Локомосия («локо» - жой, «мосия»- ҳаракат) дастури ҳали шаклланмаган, шунинг учун бола доимо мувозанатини йўқотади. ²аракатлана олиши қобилияти туфайли бола ташқи дунё билан нисбатан эркинроқ ва мустаҳкамроқ

мулоқот қилиш даврига кириб келади. Мушак ҳисси масофани ҳисоблаш ва буюмларнинг макондаги жойлашувини аниқлаш мезонига айланади. Боланинг психик ривожланишига предметлар ҳаракати сезиларли таъсир кўрсатади. Нарсалар, предметлар моҳияти бола томонидан болалик даврида эгалланади. Болалик охирида (ҳаётнинг учинчи йилида) янги фаолият турлари (расм чизиш, куйлаш, ҳайкалтарошлик, лойиҳалаштириш) Юзага кела бошлайди.

Предметли фаолиятда белгиланган таассуротларнинг тўпланиши бола нутқининг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Фақат сўз ортида реал дунё образлари тургандагина бу сўзнинг ўзлаштирилиши муваффақиятли кечади. Агар бола, маълум бир сабабга кўра, бу ёшда нутқ ривожланиши учун зарур шарт-шароитдан маҳрум бўлса, унда йўқотилган имконият ўрнини тўлдириш охир-оқибат жуда мураккаб бўлиб қолади, чунки бу ёш нутқ ривожига нисбатан сензитив (сезгир)дир: айнан мана шу пайтда нутқ ўзлаштирилиши анча самарали кечади.

Илк болалик ёши – болада фаол нутқ шаклланиши давридир. Бир ярим ёшгача бола 30-40 тадан 100 тагача сўз ўзлаштиради, иккинчи йил охирида бола 300 тагача, учинчи йил охирида эса 1500 тагача сўз ишлатади.

Нутқ ривожланиши она тилининг товуш хусусияти ва грамматик тузилишини эгаллашни тақозо этади. Дастлаб бола нутқни сўзнинг умумий ритмик-мелодик (тезлик, оҳанг) тузилишини илиб олиш йўли билан қабул қилса, иккинчи йил охирига келиб у она тилининг барча товушларини фонематик қабул

қиладиган бўлади ва шу асосда луғат ва сўзларни тўғри талаффуз қилишни ўрганади. Фаол нутқнинг шаклланиши боланинг бутун психик ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Илк болаликдаги ақлий ривожланиш.

Болалик аввалида бола атрофидаги предметлар хусусиятини, предметлар орасидаги энг оддий алоқаларни илғайди ва улардан фойдалана бошлайди. Бу предметли фаолият, оддий элементар ўйин шакллари, расм чизиш, нутқни эгаллаш билан боғлиқ равишда рўй берувчи кейинги ақлий ривожланиш учун асос бўлади. Болаликда ақлий ривожланиш асосини болада шаклланаётган идрок этиш ва фикрлаш ҳаракатларининг янги турлари ташкил этади. Бу ёшда автодидактик, ўзи ўргатувчи ўйинчоқлар (матрёшкалар, кутичалар, кубчалар, мозаика ва бошқалар) болани тез ривожлантиради.

Кўриш билан бирга болаликда эшитиш орқали қабул қилиш ҳам ривожланади. Айниқса фонематик эшитиш жадал ривожланади. Одатда, иккинчи йил сўнгида болалар она тилининг барча товушларини қабул қилади. Бироқ фонематик эшитишнинг мукаммаллашиши кейинги йилларда ҳам рўй беради.

Фикрлаш ривожи учун воситали ҳаракатлар жуда муҳим. Восита боланинг предмет дунёсига таъсир қилишига хизмат қилади. Бола энг катта тажрибани катталар билан нутқий мулоқот натижасида қабул қилади.

Ҳаётнинг учинчи йилида бола ақлий ривожланишида муҳим силжиш содир бўлади – онгнинг **белгили** (ёки рамзий) функцияси шакллана бошлайди. У бир объект ўрнини босувчи сифатида бошқа

бир объектдан фойдаланиш имкониятидан иборат. Бунда предметлар билан эмас, балки уларнинг ўрнини босувчилар билан ҳаракат амалга оширилади.

Турли белгилар ва уларнинг тизимидан фойдаланиш – инсон психикасининг ўзига хос энг характерли хусусияти. Белгиларнинг ҳар қандай тури (тил, математика рамзлари, сурат ва мусиқада моҳирона ифодаланган дунё ва ҳ.к.) одамлар орасидаги мулоқот учун хизмат қилади, предмет ҳамда ҳодисалар вазифасини бажаради ва англатади. эрта ёшда белгили функция дастлаб амалий фаолият билан боғлиқ равишда ривожланади ва фақат кейинчалик сўзлардан фойдаланишга ўтилади.

Бола ва катта ёшдаги одам. Онтогенезда катталар билан мулоқот болаларда бирданига пайдо бўлади, анча кейин эса боланинг тенгдошлари билан муносабат ўрнатилади.

Чақалоқнинг янги шароитда яшашини таъминловчи асосий омил туғилишда унда вужудга келган табиий механизмлардир. У ташққи шароит ва муҳитга мослашиш имконини берадиган, нисбатан этилган нерв системаси билан туғилади. Туғилганидан бошлаб мазкур рефлекслар организмда қон айланиши, нафас олиш ҳамда нафас чиқаришни таъминлайди.

Биринчи кунданок кучли қўзғатувчиларга нисбатан кўзни қисий, пирпиратиш, унинг қорачиғини кенгайтириш ёки торайтириш механизмлари ишлай бошлайди. Бу рефлексларни химоя рефлекслари дейилади.

Чақалоқда химоя рефлексларидан ташқари, қўзғатувчилар билан алоқа ўрнатишга хизмат қиладиган рефлекслар ҳам бўлади.

Буларни ориентир рефлекслари деб аталади. Чақалоқларни кузатишларда икки уч кунлик бола хонага қуёш нури тушиши билан бошин ёруғлик томонга буриши, чақалоқ хонага аста кириб келаётган нур манбаини ҳам сезиши яққол кўринди.

Юқорида айтилган рефлекслардан ташқари, болада болада бир неча туғма табиий рефлекслар ҳам учрайди; эмиш рефлекси оғзига тушган нарсани сўришга ўз ифодасини топса қўл кафтига бирор нарсанинг тегиши ушлаш, чанг солиш реакциясини вужудга келтиради. Ўзидан нарсани итариш, узоқлаштириш рефлекси мавжудлигини курсатади ва бу ҳол томонга қандайдир жисм тегиши билан уни ўзидан узоқлаштиришда намоён бўлади.

Психолог В.С.Мухинанинг фикрича, чақалоқда туғилшига қадар ҳам шарқиз рефлекслар бўлиши, унга ҳомилалик пайтидаёқ ўз қўлини сўриш имконини яратади.

Туғилган чақалоқнинг вазни тез камая боради. Бунинг сабаби ундан суюқлик моддасининг чиқиб кетиши, вазнсизлик ҳолатиан атмосфера босимиға, қуёш нуриға, турли хусусиятли моддалар таъсириға, ўзгарувчан ҳаво ҳароратига мослашиш даврида кўп куч-қувват сарфланишидир. Бу даврнинг кечишида чақалоқларнинг ҳам индивидуал, шам жисмоний тафовутлари кўзга ташланади. Орадан кўп вақт ўтмай чақалоқ вазнининг камайиши табиий равишда тўхтайди ва унинг янги муҳитга мослашиши бошланади. Киндик тушиш даври организмда кескин ўзгаришлар юз бериш палласи ҳисобланиб, мурғак органнинг мустақил яшаётганидан далолат беради. Чақалоқнинг олдинги вазнига этиш даври ҳаётининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади.

Чақалоқ организмнинг анатомик- физиологик, морфологик тузилиш бўйича, бошқа ёшдаги одамларникидан фарқи ҳам ривожлангани, заифлиги, иш қобилиятининг кучсизлигидир. Унинг суяк системасиЕ, пай-мускуллари ва тоғай тўқималарининг ўсиши катта ёшдаги кишиларникидан ҳам суръат, ҳам сифат жиҳатидан фарқланади. Чақалоқдаги мускулларнинг такомиллашиши ҳаракат негизини вужудга келтиради; шу бирга ҳар бир биологик органнинг мутақил ҳаракати ва фаолиятини таъминлашга хизмат қилади. Болада бўйин мускулларининг ўсиши бўйинини тутишга олиб келса, тана мускулларининг ривожланиши катталар ёрдамида ағанаш имконини, қўл ва оёқ мускулларининг этилиши эса жисмоний ҳаракат қилиш, жисмларга қўл чўзиш учун шароит яратади.

Чақалоқнинг анотамик-физиологик тузилишини таҳлил қилсак, унинг суяк сиситемасида оҳак моддаси ва ҳар хил тузлар этишмаслигининг гувоҳи бўламиз. Шу сабабли суяк функциясини кўпроқ тоғай тўқималари бажаради. Бош суяклари болаларнинг икки ойлигида ўзаро қўшилиб кетади. Бош суякнинг пешона ва тепа қисмлари ўртасида лиқилдоқ деб аталадиган қалин парда ва тери билан қопланган оралиқ мавжуд бўлади. У бола бир ёшдан ошганидан кейин суяк билан қопланиб боради, лекин у ҳақиқий суяк бўлмайди.

Чақалоқ нерв системасининг юксак даражада ривожланган қисми, яъни бош мия катта ярим шарлари ташқи кўриниши билан катта одамникига айнан ўхшаса ҳам, аслида ундан кўп фарқ қилади. Одамларни ўзаро қиёсласак, ажойиб манзарани кўрамиз: миянинг оғирлиги чақалоқ танасининг саккмздан бир ва катта одамларда эса

қирқдан бир қисмини ташкил этади. Чақалоқларда бош гавдага нисбатан каттароқ кўринсада, у ҳали жуда бўш, мукаммаллашмаган бўлади. Уларнинг организми жадал суръат билан ўсиш давридан ўтади. Бу даврда чақалоқнинг оғирлиги 3-5 кг бўлишига қарамай, миясининг оғирлиги 300-350 граммни ташкил қилади, холос. Чақалоқнинг мияси хужайраларининг миқдори, “арик”чаларнинг яққол кўзга ташланмаслиги, нерв хужайралри тармоғи жиҳатидан катта одамларнинг миясидан фарқ қилади.

Юқоридаги фикрларни исботлашда ҳаракат қилган психолог э.А.Аркиннинг таъкидлашича, -бола туғилишга ҳаракат қилаётган пайтида унинг миясини бир хил кулранг масса ташкил этади, унинг нерв толаларида мислин қобиғи бўлмайди.

Чақалоқ бошқа ёш давридаги одамларга қараганда кучсиз, заиф, ожиз кўринса-да, баъзи жиҳатлари билан катталардан устунлик қилади. э.А.Аркиннинг фикрича, чақалоқлик даврининг кучли жиҳатлари кўпинча унинг ўсиш қувватида ўз ифодасини топади. У ҳар ойда икки см дан ўсади, унинг оғирлиг ҳар куни 1,6-2 граммдан ортиб боради. Унинг шиддатли суръат билан ўсиши кўпроқ индивиднинг вегетатив нерв системаси, ички секреция (буқоқ, қалқон ости ва усти) безларининг фаолиятига бевосита боғлиқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ички секреция безлари ишлаб чиқарган махсус гормонлар қонга сўрилиб, организмнинг жисмоний ўсишини белгилайди. Чақалоқнинг ғоят жадал суръатлар билан ўсиши шу даврнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг ўишига таъсир этувчи омиллар овқат, соф ҳаво, қуёш нури, нафас олиш, парвариш ва ҳоказолар.

Одатда чақалоқнинг нерв фаолияти шарциз ва шартли рефлекслар таъсирида вужудга келади. Шарциз туғма рефлекслар боланинг туғилиши арафасида этарли даражада этилиши сабабли унда қон айланиш, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, сийдик чиқариш сингари энг муҳим вегетатив функциялар амалга ошади. Масалан қорни оч чақалоқлар лабига бирор нарса тегиши билан унда эмиш ҳаракати вужудга келиб, сўлаклари оқа бошлайди. Бу овқатланишнинг шарциз рефлекси дейилади.

Болада таассурот олиш эҳтиқжи пайдо бўлиши биланок, ориентир рефлекси билан алоқа ўрнатади, ҳиссий илиш органларининг тайёрлик даражасига мувофиқ мавжуд маълумотларни қабул қилади ва шу жараёнда ўзини ҳам ривожлантиради. Чақалоқнинг кўрув ва эшитув аппарати дастлабки кунданок ишга тушса ҳам, улар ҳали этилмаган бўлади. Шу сабабли кўриш сезгисини ёруғлик, эшитиш сезгисини эса қаттиқ товуш вужудга келтиради. Бола ҳаракатдаги жисмларни кузатишга интилса ҳам, аслида қимирламай турган нарсаларга кўпроқ диққатини тўплайди. Унинг руҳий дунёсида кўрув ва эшитув аппаратларига мос равишда диққатнинг муайян объектга тўпланиши жараёни аста-секин вужудга келади.

Чақалоқнинг сезги органлари унинг ҳаракатига қараганда дурустроқ ривожланган бўлади. Масалан, чақалоқ аччиқни шириндан, иссиқни совуқдан, хўлни қуруқдан фарқлай олади. Унинг ҳид билиш органлари жуда заиф бўлишига қарамай, бурнига ёқимсиз ҳидли модда яқинлаштирилса, безовталанади. Бола тери

туюш, ҳароратни ҳис қилиш, сезиш, оғирликни фахмлаш, таъм билиш сезгилари ҳам этарли даражада ривожланган бўлади.

Чақалокда жисмларни, одамларни, атроф-муҳитни катталар каби яхлит ва аниқ идрок қилиш имконияти бўлмайди. Чунки идрок қилиш инсоннинг бошқа психик жараёнлари (хотира, тасаввур, тафаккур), руҳий ҳолатлари (ҳис-туйғу, ўнғайсизланиш) ва ўзига хос типологик хусусиятлари билан узвий боғлиқликда амалга ошади. Шунинг учун чақалокда мазкур имконият ўта чекланган бўлиб, сезги органлари оддий акс эттириш имкониятига эга.

Янги туғилган болада кучли ёруғликни акс эттириш имкони бўлади ва у ёруғликдан турли даражада ва шаклда таъсирланади, ҳатто, кўзларини юмиб олади. Кўриш механизмлари ҳали ўсиб улгурмагани сабабли тинч ҳолатдаги ёки ҳаракатдаги жисмни идрок қила олмайди. Гоҳо ўн кунлик чақалок ҳаракатдаги жисмга нигоҳ ташлагандек кўринса-да, аслида унга бир неча секунд термилишдан нари ўтмайди.

Чақалокда эшитиш сезгиси заиф ривожланган бўлса ҳам, у ҳали ўзи эшитишга мослашмаган кучли қўзғатувчиларни (товуш, қичқирикни) акс эттира олади, бироқ товуш келаётган объектни аниқ топа олмайди.

Кўриш ва эшитиш органларининг муайян объектга йўналиши оёқ-қўл ва бошнинг ҳаракатида, боланинг йиғлашдан тўхташига кўринади.

Н.Л.Фигурин ва М.П.Денисовнинг иаъкидлашича, боланинг бир ойликкача давридаги тетиклик ҳолати (уйғоқлиги) кўриш ва эшитишга йўналган шарциз рефлекслар туфайли фаоллашиб

боради; товуш таъсирига берилиш 2-3 ҳафталикда вужудга келади. Шунинг учун бола сурнай садосига кулоқ солади ва йиғидан ёки ҳаракатдан тўхтади. Бир ойлик бўлгач унда ориентир рефлекси намоён бўлади. (И.П.Павлов). Шу сабабдан чақалоқ гаплашаётган одамга тикилади ва ихтиёрсиз ҳатти ҳаракатдан ўзини тийиб туради.

Бола объектни кўриш ва товушни эшитиш учун диққатини тўплайдиган бўлгач ҳаракатининг фаоллашувида анча ўзгаришлар рўй беради. Одатда унинг ҳаракати ихтиёрсиз ва тартибсиз равишда амалга ошиб, жисмларга кўз югуртириш, бошини буриш билан тугаса ҳам, ҳаракат ҳодисаси вазифасини бажаради: ўзида ҳулқининг содда кўринишини ифодалаб, болани воқелик, ташқи олам билан узвий боғлайди.

Д.Б.Елканин фикрича, чақалоқ ҳаётининг учинчи ҳафтасида онанинг эмизишдаги ҳолатига мослашиш билан боғлиқ биринчи табиий шартли рефлекс вужудга келади ва кейинчалик эса баъзи кўзғатувчиларга жавоб тариқасида алоҳида шартли рефлекслар ҳам пайдо бўлади.

ҳис-туйғунинг ўсиши (жонланиш).

Чақалоқнинг ҳаёти қичқирик садоси билан бошланади ва бу кўпинча шарқиз рефлектор хусусиятидан келиб чиқади. Дастлабки қичқирик товуш орлағи қисилишининг бевосита маҳсули сифатида, организмнинг табиий эҳтиёжи натижасида вужудга келади. Қисилиш аввал нафас олиш рефлексини ҳам бошқаради. Шунга қарамай, мутаххассис олимларнинг фикрича, биринчи қичқирик ноҳуш ҳис-туйғунинг намоён бўлишидир. Қисилиш танглик

(зўриқиш) туйғусининг вужудга келишидир. Шунинг учун чақалоқдаги мускул реакцияси билан эмоционал муносабатни фарқлаш анча қийин. Қичқирик нохуш кечинма ва сезгиларга жавоб тариқасида вужудга келиб, иссиққа, очликка ва намликка қаршилиқ вазифасини бажаради. Чақалоқни тўғри тарбиялаш жараёнида қичқирик эмоционал кечинмаларнинг яна бир тури йиғлашга айланади. Йиғлаш бола жисмний оғриқни, руҳий қайғуни, изтиробни табиий акс эттиришининг манбаи бўлади, ташқи олам билан алоқа ўрнатишнинг энг зарур воситаси сифатида чақалоқнинг ҳаёт фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади. У нохуш туйғуларнигина акс эттириб қолмай, табиий эҳтиёжларни қондириш механизми сифатида хизмат қилиши мумкин.

Бола бир ойга тўлгач ўзини парвариш қилаётган одамга инитиладиган, талпинадиган бўлади ва бунинг мисоли тариқасида унинг кишилар орасида “ўз” кишисини таниши ва ажратишин айтиш мумкин.

Мазкур психолог ҳолатни Н.Л.Фигурин ва М.П. Денисовалар “жонланиш” деб атаганлар. Бу даврда, боланинг психик дунёсида тетиклик, ҳис-туйғусида эса атроф-муҳитдан таъсирланиш ўз аксини топади. Уларнинг фикрича, боланинг катта ёшдаги одамларга ўз муносабатини билдириши унинг бундан кейинги ўсишини белгиловчи босқич вазифасини ўтайди.

Психолог э.К.Каверина боланинг ташқи таъсирига жавоб билдиришини тадқиқ қилиб, унда одамнинг ва жисмларга муносабат бир хиллигини таъкидлайди. Унинг фикрича, инсоннинг афт-ангорига қараб ижобий ҳис-туйғулар уйғониши кейинчалик

вужудга келади. Таъсирга берилиш ва таъсирланишнинг мазкур шакли бола билан катталар ўртасидаги алоқанинг бошланғич кўриниши ҳисобланади. Шахслараро алоқанинг бу шакли чақалоқлик даврининг тугаши ва илк болаликнинг бошланишидан далолат беради.

Психолог Д.Б.Елкони́н назариясига кўра чақалоқлик давридан илк болалик, гўдаклик даврига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Булар:

1. Кўз ва қулоқ ёрдамида диққатни муайян объектга қаратиш (тўплаш)нинг пайдо бўлиши, бола ҳаракат фаолиятининг қайта қурилиши бошлангани, алоҳида намоён бўлувчи ҳаракатнинг хулқ ҳодисасига айланиши.
2. Сиртдан идрок қилинувчи барча объектларга (субъектларга) йўналган алоҳида кўзғатувчига нисбатан шартли рефлекслар ҳосил бўлиши.
3. Катта ёшдаги одамларга (онасига ва яқин кишиларга) нисбатан эмоционал реакциялар (ҳис-туйғулар, кечинмалар) янги эҳтиёж пайдо бўлишининг кўрсаткичи эканлиги.
4. Боланинг (чақалоқнинг) катталар билан мулоқатда бўлиш эҳтиёжи унинг кейинги психик ўсиши негизини ташкил этиш ва ҳоказолар.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент. 1996.
2. И.А.Каримов. Бракамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент. 1997.
3. Е.Г`озиев. Педагогик психология асослари. Тошкент. 1997.
4. Е.Г`озиев. Психология муаммолари Тошкент. 1999.
5. В.Каримова. Психология. Тошкент. 2000.
6. Кон И.С. Психология юношеского возраста. М.: 1979
7. Мудрик А.В. О воспитании старшеклассников. М.: 1981
8. Климов э.А. Пут` в профессию. Ленинград: 1980